Ушбу сонда:

2 Истиқлолимизнинг 11 йиллиги олдидан — РАҲМОН БОЙ ЯРАТГАН ЎРМОН

3 TV — ДАСТУРИ

4 ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 9 август, жума №127 (1344)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЧИРОЙИ ЎЗГАЧА

Жўрғун. - Данғара туманидаги «Сирдарё» ширкат хўжалигининг йирик қишлоқларидан бири. Мустақиллигимизнинг 11 йиллигида бу чекка қишлоқ янада ободонлашмоқда.

Қишлоқ марказидаги ширкат хўжалигининг эски омбори, мослаштирилган автоклуб бинолари ўрнида гузар бунёд этилди. Мавжуд дорихона, чойхона бинолари, савдо дўконлари, қассобхона қайта таъмирланди. Энди бу ерда қишлоқ врачлик пункти, ўқув қуроллари ва салқинлантирувчи ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар, суратхона, сартарошхона, автомобилларни таъмирлаш устахонаси фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда ширкат хўжалигининг Боғиш қишлоғи марказида ҳам гузар барпо этишга киришилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида

Илмий ва муаллим кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар кўпайтирилсин.

2. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари муаллимларининг педагогик юкламалари қуйидагича белгилансин:

бошланғич синфларда - ҳафтасига 18 соат;

юқори синфларда - ҳафтасига 20 соат;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида - йилига 800 соат.

3. Ушбу Фармонга мувофиқ иш ҳақини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар дарс соатларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўз қарамоғида бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган вазирликлар ҳамда идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг, илмий ходимларнинг янги иш ҳақи миқдорларини тасдиқласинлар;

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб синфлар (гуруҳлар) тўлдирилишининг амалдаги нормативларига риоя этилган ҳолда синфлар ва гуруҳлар шакллантирилиши ҳамда ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи тарифлари ўз вақтида белгиланишини таъминласинлар.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги 12-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 7 август



Шу шукуҳли кунларда шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшиб қад ростлаётган, замонавий, ўзига хос услубда бунёд этилаётган биноларни кўриб дил қувнайди. Асака туманида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Суратларда: туманнинг энг гўзал масканларидан бири.

Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

ОЛТИАРИҚ МАФТУНИМАН!

Гурур

Бугун Олтиариқда бўлган кишининг кўзи қувнайди. Шаҳар тусини олган туман марказидаги ободончилик, янги услубда қурилган турли маъмурий бинолар, шаҳарча ҳуснига-ҳусн қўшиб турган савдо дўконлари, четлари гулзорлаштирилган равон йўллар, бозордаги тўкинчилик ҳар қандай меҳмоннинг ҳавасини келтириши табиий.

— Туманимиз аҳолисининг турмуш тарзи юқорилиги истиқлол берган имкониятдан унумли фойдалана олаётганимиз шарофатидир, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Нўъмонжон Омонов. — Биргина мисол. Деҳқончилик қиладиган томорқа майдонидан ўтган йили 39 минг 500 тонна бодринг, 4 минг 104 тонна узум ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди. Аҳоли томорқаларида етиштирилган маҳсулот 5 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Бундан ташқари, туманимиз ҳудудида 862 та юридик мақомга эга бўлган хусусий фирма ва корхоналар фаолият кўрсатяпти. Улардан 423 таси хусусий фирма ва кичик корхона, 438 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари, 1 таси қўшма корхона филиали сифатида фаолият кўрсатаяпти. 1160 нафар тадбиркорлар якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Шу кунга қадар кичик ва ўрта бизнес соҳасида 8877 нафар киши иш билан таъминланган.

Минг бор эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал, деган нақлга амал қилиб, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси раиси Зафаржон Ҳусанов ҳамроҳлигида бир неча ишбилармонлар фаолияти билан танишдик.

Тадбиркор Ойбек Файзиматов салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи Америка-Ўзбекистон қўшма корхонасининг филиалини Олтиариқ қишлоғида ишга туширибди. 25 нафар олтиариқлик ёшлар меҳнат қилаётган бу филиалга беш хил ичимликлар ва Олтиариқнинг Қизилтепа массивида чиқадиган шифобахш сув бежирим идишларга қадоқланмоқда. Бир кечакундузда 15-20 минг шиша сув қуйилиб, мамлакатимиз ички бозорига чиқарилмоқда.

Мирзарасул Маматов раҳбарлигидаги «Имкон ММ» хусусий фирмасида мих ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Апрел ойида ишга тушган ушбу кичик корхонада 9 нафар киши фаолият кўрсатаяпти. Бу ерда ҳар ойда 25 тонна сифатли мих маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда. Аҳоли ўртасида талаб катта бўлган маҳсулот тез сотилиб кетмоқда.

Тадбиркор Нозимжон Эркабоевнинг саъй-ҳаракатлари билан унинг хусусий корхонасида алебастр маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тадбиркор яқин орада цемент ишлаб чиқарувчи линияни ҳам ишга тушириш ҳаракатида юрибди.

Тажрибали деҳқон Абдужалил ҳожи Бойматов эса фермерлик фаолияти учун ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлардан хурсанд эканлигини яширмади. У Мусажон Бойматов номли боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил этди. Фермер аҳоли дастурхонини ўзининг ширин-шакар узуми билан тўкин қилиш мақсадида тўрт ўғлини ёнига олиб астойдил меҳнат қилмоқда.

Туманда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кўпайиши, уларнинг имтиёзли кредитлар билан таъминланиши янги-янги иш ўринлари яратилишига имкон бермоқда. Мисол учун «Одилжон» фермер хўжалиги бизнес-фонд маблағидан 7 миллион 69 минг сўм имтиёзли кредит олганди. Бунинг натижасида 125 киши иш билан таъминланди. Ўзи ишлаб чиққан матодан махсус ишчи кийимлари тайёрлаётган «ДЕМО» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасида 120 нафар иш ўрни яратилди. «Саттор» кичик корхонасида ҳам олинган кредит ҳисобига 30 нафар киши иш билан таъминланди.

Шу ўринда туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси катта ҳажмдаги ишларни амалга ошираётганлигини эътироф этиб ўтиш жоиз. У тадбиркорларнинг ҳақиқий суянчиғига айланган. Палата ходимларининг маслаҳатлари, бевосита ёрдами туфайли шу йилнинг биринчи ярмида олтиариқлик тадбиркорлар вилоят банкларидан 280 миллион сўмдан зиёд кредит олишди. Тез орада бу имтиёзли ажратмалар ўз самарасини бериб, олтиариқлик тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури ва миқдори кўпайиши турган гап.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

ХОРИЖЛИК ШЕРИКЛАР КЎПАЙМОҚДА

Хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг нақадар аҳамиятли эканлиги эндиликда барчага аён. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада шахдам қадамлар ташланди. Ҳозир Ўзбекистонда хорижий сармоя жалб этилган қарийб 2 мингга яқин корхона фаолият юритмоқда. Улардан 69 таси ўтган ярим йилликда ташкил этилди.

Ислоҳот одимлари

Яқинда Наманган вилоят кенгаши сессиясида хорижий инвестицияни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Эндиликда вилоятда 77 та катта-кичик қўшма корхоналар мавжуд. Уларнинг низом жамғармасини ташкил этиш учун 112 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинган. Қўшма корхоналар барпо этиш, мавжудларини қайта жиҳозлашга чет эл банкларининг кредит линиялари орқали 74,6 миллион АҚШ доллари, 113,4 миллион дойч марка ўзлаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб маҳсулот бера бошлаган «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонаси эндиликда нафақат диёримизда, балки, Марказий Осиёда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Вилоят иқтисодстат бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нусратулла Убайдуллаевнинг таъкидлашича, бу ерда узоқ муддат сақланадиган қадоқланган сут, болалар неъматлари, тоза маъданли ичимлик суви ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Эътиборлиси шуки, корхона шаҳобчалари барча туманларда бўлиб, хўжаликлар, хонадонлардан сут қабул қилиб, қайта ишламоқда.

Ярим йилликда вилоятда 62,7 миллион сўмлик саноат маҳсулоти, 41 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Шу ўринда «Ўзбек-Япон СИЛК-РОАТ» қўшма корхонаси хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Меҳнат юксак даражада қадрланаётганлиги, замонавий техника ва технология шарофати туфайли йилдан йилга кўп маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Бироқ, ҳали ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Баъзи жойларда инвестиция лойиҳаларининг техникавий, иқтисодий асоси сифатсиз тайёрланиши, уларнинг паст даражада экспертиза қилиниши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан олиб келинадиган хом ашё ва бутловчи қисмларининг салмоғи катта экани режаларнинг тўла-тўкис рўёбга чиқишига салбий таъсир ўтказмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидланганидек, чет эл инвестициялари иштирокида барпо этилган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш шу куннинг асосий вазифалардан биридир.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.

ХОДИМ ҲАЁТИГА МАСЪУЛЛИК

Меҳнат муҳофазаси

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устувор бўлмоғи учун мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар барча корхоналар меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ягона тартиб-қоидаларга бўйсунишлари, экология жиҳатдан хавфсиз шароитлар яратишлари ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлашлари керак.

Бу борада Урганч шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ходимлари «Хоразмгазтаъминот» бошқармасида текшириш ўтказганларида, 3444 та газ тақсимлаш пунктларидан 688 тасида атмосферага белгиланганидан кўп миқдорда заҳарли газлар чиқаётганлигини аниқладилар. Ҳисоблаб кўрилганда бу йўқотиш бир йилда 62208 кубометрни ташкил этар экан. Бундан ташқари атроф-муҳитнинг ифлосланаётганлигини айтмайсизми.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида ҳар бир фуқаронинг меҳнати давлат томонидан муҳофазаланиши кафолатланган. Қонуннинг 28-29-моддаларида иш берувчининг айби натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодиса учун корхонанинг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Шундай экан, касаба уюшмалари томонидан ўтказилган текширишларда 5571 марта меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилганлиги аниқланди. Бунинг оқибатида 26 та ишлаб чиқариш цехлари ва 105 та машина, ускуналар вақтинча тўхтатиб қўйилди. Мансабдор шахсларга нисбатан эса 101700 сўм миқдорида маъмурий чора қўлланилган.

Бир неча марта огоҳлантиришларга қарамасдан «Хоразмтаъмирқурилиш» акциядорлик жамияти, Урганч қурилиш материаллари заводи, «Ўзбекгазсувқурилиш», 3-уй-жой хўжалиги, Урганч шаҳридаги «Ободончи» фирмаларида иш берувчилар томонидан етарли меҳнат шароитлари яратиб берилмаган. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган маблағлардан эса тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ходимларни сут, даволаш профилактика, озиқ-овқат, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш, ходимни енгилроқ ёки ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш каби вазифаларга панжа орасидан қараб келишмоқда.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билим савиялари анча саёз, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бу соҳада меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, меҳнат, техника ва ҳуқуқ инспекторлари ҳам қониқарли фаолият олиб бормаяптилар.

—Иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир, - дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси М.Юсупов. — Ҳар бир корхона раҳбари, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазасини яхшилаш асосий мақсадимиздир. Иш шароитларини яхшилаш, экология, санитария-гигиена чора-тадбирларини амалга ошириш, бевосита ишлаб чиқариш жараёнида содир этиладиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Истиқлолимизнинг 11 йиллиги олдидан

РАҲМОН БОЙ ЯРАТГАН ЎРМОН

Наманганни қадамба-қадам кезиб чиқдим, мен бормаган гўша қолмади, деб юргандим. Адашган эканман. Боғистон ўрмонзорларини кўрганимда лол қолдим. Кўшни Қирғизистон билан чегарадош ҳудудда ўзимни гўё олис шимолга бориб колгандек ҳис этдим. Кушлар чуғурлашидан, сайрашидан қалбингиз яйрайди.

Шўро замонасида ўсиб-улғайган ва онгимиз шаклланган бизлар «бой» дейишса ўша даврлар бир чўчиб тушардик. Аслида бир сўм пулни икки сўм қилиш, кишининг яхшироқ ҳаёт кечириши, иймон сирларини чуқурроқ эгаллаши, юрт ободончилиги учун ҳисса қўшиши ундан тадбиркорлик ва омилкорлик талаб этар экан. Ўтмиш олимлари-ю фузалоларининг, шоиру донишмандларининг ҳаётини ўргансангиз ҳаммаси туппа-тузук оилаларнинг фарзандлари эканлигига гувоҳ бўласиз. Бинобарин, Шўролар томонидан юртнинг дин пешволари, бой ва зодагонлари беҳудага олис-олисларга, борса-келмас сургунларга жўнатилмаган. Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Раҳмонбой ота ҳам ана шундай эл улуғларидан саналган.

— Кўриниши кўркам, қўли очиқ, бағри кенг ва ғоят меҳнаткаш инсон эди, — дея таърифлашади уни билганлар. — Умрининг охиригача ўзгалар ташвиши билан яшаб ўтди.

Айтишларича, Пешқўрғон, Калиша, Балиқли-кўл қишлоқларида мол-мулк масаласида Раҳмонбой билан беллаша оладиган кам топилган. Муҳими, у камбағалларга ёрдамлашишни мусулмончиликнинг пойдевори, инсонийликнинг алифбоси, деб билган. Эшигини умид билан тақиллатиб келганни-ку қуруқ қайтармаган.

Орада Ўктабр инқилоби юз бермайдими! Қўлига бешотар ушлаган кимсалар ҳамда уларнинг етакчилари биринчи навбатда мулкдорларни нишонга олдилар. Улар қамоқхоналарга тиқилдилар, офтоб кўрмас жойларга бадарға қилиндилар. Шулар қаторида отабоболаридан қолган бойлик ва мол-мулкка эгалик қилиб келаётган Раҳмонбой бор-будидан жудо қилингани етмагандай ҳайвон юкланадиган вагонга тиқилди. Яхшининг ишини Худо ўнглайди, деганларидек поезд ярим йўлга етганида, аниқроғи, Хўжанд атрофида темир йўлнинг каттагина қисми бузиб ташланганлиги маълум бўлди. Уч кун оч-наҳор туришгач, охири, поезд ортига қайтди.

Қишлоққа қайта кириб келган Раҳмонбойга уйига ўрнашган ташкилот раҳбарлари «ҳиммат» кўрсатишди. Уни ота-бобосидан мерос бўлиб қолган турар-жой-у ҳовлисига коровулликка тайинлашди. Раҳмонбой ҳовли супуриб, ташкилот раҳбарлари отларига қараб кун ўтказа бошлади.

Барибир элга сояси тушиб ўрганган Раҳмонбой учун рўзғорини тебратиш билан чекланиш кифоя қилмасди. Кейинги йилларда негадир қўшни Қирғизистон тоғ оралиқларидан эсадиган совуқ шамол кучайган, унинг таъсирида экинлар ривожи сустлашар, қачон қараманг ҳамма ёқ чанг-тўзондан чиқмайдиган бўлиб қолганди.

— Бу офатнинг йўлини тўсишнинг битта чораси бор, — деди бир гал шу мавзуда гап кетганда Раҳмонбой. — Шамолнинг асосий йўналишига ғов солиш керак, яъни иҳотазор барпо этиш лозим.


Раҳмонбойнинг таклифини Шўро амалдорлари қўллаб-қувватламадилар. Зарур маблағ ажратилмади. Ишчи кучи сафарбар этилмади.

— Мақсадимни амалга оширмагунча тинчимайман, — деди шунда Раҳмонбой. — Белимдан қувватим кетгунча бу иш учун уринаман.

Аввалига бир неча қариндош-уруғлари ва бир неча юрагида ўти бор тенгдошлари билан шамол йўналиши бўйлаб узундан-узун ариқ қазишга киришишди. Кейин мирзатерак ва бақатерак шохларидан қаламча тайёрлашга тушдилар. Ариққа сув очиб қаламчаларни экиб чиқишди. Кузга бориб ҳалиги ариқча қирғоқларининг гоҳ у еридан, гоҳ бу еридан кичик-кичик майдончалар ҳосил қилиб кўчатзорлар яратишди. Қарабсизки, бир-икки йилда Боғистон қишлоғининг қўшни Қирғизистон билан туташ ҳудудида яшил деворчалар ҳосил бўлди. Бу ҳаракат ҳар йилнинг баҳор ва куз ойларида такрорлана берди. Беш-тўрт йил ўтмасидан бўй чўзиб, асрлардан бери кучга тўлиб ётган тупроқдан қувват олган кўчатлар тобора ўрмон тусини олибгина қолмасдан, баҳор ва куз, хусусан, қишнинг изғиринли совуқ шамоллари йўлини тўсди. Пешқўрғон, Боғистон, Калишо, Балиқли-кўл ва бошқа қатор қишлоқлар аҳли жонли девор яратувчиларни, биринчи галда Раҳмонбойни дуо қиларди. Ҳозирги кунда Чортоқ туманининг Қирғизистон билан туташ майдонларида гуркираб ўсаётган ва Ўзбекистонимиз ёғоч мустақиллигига ҳисса қўшаётган Боғистон ўрмончилик хўжалиги ана шу тариқа бунёд этилган эди. Неча авлоддан мерос бўлиб ўтиб келган бойлигидан айрилса-да, аммо халқига, элатларига нисбатан меҳридан жудо бўлмаган, каталакдек хонада яшаса-да, лекин қалби дарё, ҳамқишлоқларига нисбатан сўнгги нафасигача кўмакка тайёр турган Раҳмонбой Олимбеков ва унга эргашиб бировдан бир тийин пул олмаса-да, ариқ қазиб кўчат ўтқазганлар кимлигини, афсусларким, бугунги авлоднинг ҳаммаси ҳам билавермайди. Балки, уларнинг хотираларини шод айлаш учун бирон-бир ёдгорлик ўрнатиш вақти етиб келмадимикан!

Кези келганда, яна бир гапни айтиб қўйишни истардик. Раҳмонбой отанинг фарзандлари ҳам ўқимишли, эл иши учун фидокор кишилар сифатида вояга етдилар. Пешқўрғон қишлоғида гузар бунёд этиш учун гап қўзғалганида биринчилардан бўлиб бу ташаббусга қўшилдилар. Қишлоқ марказида катта иморат бунёд этиб халққа хизмат қилувчи тармоқлар очишди. Катта ариқдаги сув қаёққа оқса кичигидагиси ҳам ўша ёққа қараб жилдирайди, деб шуни айтишса керак-да!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.





«Габус» қурилиш инвестиция фирмаси пойтахтимизда маълум ва машҳур. Зеро, қўли гул меъморлар бунёд этган бинолар ҳамманинг ҳавасини келтиради. Ҳозирги пайтда корхонада 140 нафардан зиёд ишчи ишлаб турибди. 1-«Габус» қурилиш шўъба корхонасида меҳнат қилаётганлар маъмурият томонидан яратиб берилган шарт-шароитлардан ҳурсандлар. Яхши ишлагандан сўнг маош ҳам яхши бўлар экан. Қурувчилар ҳар ойда 60 минг сўмдан ошириб маош олишмоқда.

Суратларда: корхона илғорларидан ғишт терувчи А.Пирмуҳаммедов; навбатдаги бино қурилишида.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ФЕРМЕР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Нишонбой ака чойхонада маҳалладошлари билан бир пиёла чой устида чақчақлашишни хуш кўради. Бугун ҳам одатдагидек гурунг авжида эди. Гап қишлоқнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида айланарди.

Ширкат хўжалигида пахта ҳосилдорлиги зўрға 27 центнерга етганда, фермерда бу кўрсаткич 40 центнерданни ташкил қилди. Буғдойдан гектаридан 65 центнердан хирмон уюлди. Маккажўхори, шоли каби такрорий экинлардан келган даромадни қўшиб ҳисоблаганда 600 минг сўмга яқин соф даромадга эга бўлди.

Бу йил ҳам мулкдорга омад кулиб боқди. 5 гектар ердан 30 тоннага яқин сара дон йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 70 центнерга етди. Ортиқча 10 тоннага яқин дон ўзларига қолди. Ғаллачиликдан 1 миллион сўмдан кўпроқ даромад кўриши кутилмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларга экилган кунгабоқар, шоли, маккажўхори ривожидан фермер мамнун. 5 гектар ерда парваришланаётган ғўзалардаги кўсаклар бирин-кетин очиляпти. Умуман мулкдорлар бу йил 2,5 миллион сўмлик даромадни кўзлаб меҳнат қилишаётир.

Мустақиллик шарофати билан дастурхонига қут-барака, турмушига чирой кирди. Отахоннинг бешта ўғли, бир қизи бор. Неваралари, келинлари билан 40 жон оилага жамланган. Пешонасига отажойдан бошқа уй битмаган Нишонбой аканинг ўғил-қизлари бугун шахсий ҳовли-жойлари, томорқа ерларига эга. Уйғур маҳалланинг этагида кетмон урса сопи синадиган янтоқзор бўларди. Бу ерда янги маҳалла барпо этилди. Оила ҳосилоти Мамасодиқ биринчилардан бўлиб янги маконда уй тўйи нишонлаган бахтиёр хонадонлардан бири. Кейин укалари Ғолибжон, Арабжон, Мамасиддиқлар ҳам акаларига қўшни бўлишди. Шу тариқа Нишонбой Юнусовлар сулоласи илдиз қўя бошлади. Хонадонлар дов-дарахтлар қўршовида бўлганлиги учун янги жойга «Боғмаҳалла» деб ном берилди.

Умуман олганда кейинги пайтларда Ойимқишлоқ бўйига ҳам, — Райкомнинг бюро мажлисида совхоз директори Набижон Маматқуловнинг бошида «ёнғоқ чақилгани» сира ёдимдан чиқмайди, — деди даврадагилардан бири. — Булбулнинг уясидек ҳовлида яшаётган сувчига турар жой учун 4 сотих ер ажратишга рухсат берган экан. Бюро аъзоларидан бири Набижон ерни талон-тарож қилаяпти, деб юборса бўладими?! Яхшиямки, секретаримиз Абдуллажон Раҳимов етти ўлчаб, бир кесадиган, оқил раҳбарлардан эди. «Ҳой яхшилар, Маматқулов ахир ерни ўзига олмаган-ку. Оддий сувчини уйли-жойли қилса нимаси ёмон?» деган луқма ташлагач, Набижон жазодан қутилиб қолди.

Шу пайт отасининг суҳбати устига тўнғич ўғли Мамасодиқ келиб қолди. У Ойимқишлоқ дон қабул қилиш пунктидан қайтаётганди.

— Отажон, суюнчи беринг. 15 тонна буғдой топшириб, шартнома режасини бажардик. Даладагиси ўзимизга қолди.

Даврадагилар Нишонбой ака-ни, ўғлини хушхабар билан қутлашди. Кўп ўтмай, отахоннинг чойхона рўпарасидаги ҳовлисига патиллаганича бирин-кетин тракторлар келиб тўхтайди. Тиркамалардаги буғдойни ағдаришиб яна ғаллазорга, комбайинлар ёнига шошилади. Бир зумда фермер уйи донга тўлди.

Шўролар замонида бир парча томорқага зор бўлиб, косаси оқармаган Нишонбой Юнусов бугун қишлоқнинг кўзга кўринган мулкдорларидан бири. Ҳар йили ижарадаги 10 гектар пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб келади. Бултур 20 тонна дон, 20 тонна «оқ олтин» тайёрланди.

ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхонанинг биринчи навбати йил охиридан бошлаб маҳсулот бера бошлайди. Бу 500 нафар янги иш ўрни демакдир. 60 ўринли поликлиника биноси, ўнлаб янги савдо дўконлари мустақиллик меваларидир.

Янгиланиш, ўзгаришлар одамлар тақдирида яққол сезилмоқда. Хориж мамлакатларига сайру саёҳатга бориш; у ердаги фан ютуқлари, илғор тажрибалар билан ошно бўлиш қўл етмас орзу эди. Эндиликда бу оддий ҳолатга айланди. Масалан, инглиз тили муаллимаси Эргашхон Қиргизова АҚШнинг Техас штатидаги мактабларда бир ой мобайнида бўлиб, тажриба алмашиб қайтди. Бу сафар Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти Андижон вилояти филиалининг ҳамкорлиги билан амалга оширилди. Юқори синф талабаларидан Марғубахон Туркбоева Америка оилаларидан бирида яшаб, тенгдошларининг мактаблардаги ўқиши, синфдан ташқари ишлари билан яқиндан танишди.

Н.Юнусов бошлиқ «Роҳат» фермер хўжалиги олинган фойданинг бир қисмини меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфлаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Фермер маҳалладаги эҳтиёжманд оилалардан 6 тасини ўз оталиғига олган. Янги буғдой ҳосилидан 1,5 тонна донни етим-есирлар, боқувчисини йўқотган хонадонларга тарқатди. Мустақиллик куни олдидан маҳалласидаги 200 нафар меҳнат ва уруш фахрийси учун «шукроналик кечаси» ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Тадбиркор ҳақ-ҳуқуқи ҳимояда

ДИВИДЕНТ УНДИРИЛДИ

Ваъдасида турмасликни халқ тилида «бебурдлик» дейишади. «Зафар» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси олдида «Тадбиркор банк»нинг Зомин туман бўлими ана шундай ноқулай ҳолатга тушиб қолди.

Воқеа шундай содир бўлганди. Банк билан фирма ўртасида 1999 йилнинг 31 августида тузилган шартномага мувофиқ банкнинг 430 минг сўмлик оддий акциялари сотиб олинган эди. Лекин йиллар ўтишига қарамай дивидент тўланмасдан келди.

Натижада корхона раҳбари И.Исмоилов ўз жамоасининг молиявий ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб Жиззах вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Даъвогарнинг дивидент ундириш тўғрисидаги даъвоси асосли бўлиб, тақдим этилган ҳужжатларга кўра оддий акциялар учун 1999 йили 15, 2001 йил учун 10 фоиз миқдорда дивидент тўлаш, 2000 йил учун эса тўланмаслик ҳақида акциядорлар умумий йиғилишларида қарор қабул қилишган. Даъвогарга 1999 ва 2001 йил учун жами 107.500 сўм дивидент тўланмаган.

Суд қарорига кўра банкнинг Зомин туман бўлими томонидан фирма ҳисобига юқоридаги сумма ундириб берилди.

А.ТОВБАЕВ, Жиззах вилоят хўжалик ишлари бўйича судининг судьяси.

САЛОМАТЛИК КОШОНАСИ

Яқиндагина қишлоғимизда мўжиза рўй берди, десам адашмайман. 41 миллион сўмлик лойиҳа-смета асосида қишлоқ-врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди. Бу янги бино-кошона қишлоғимиз ҳуснига-ҳусн бўлиб тушиши билан бирга одамларимиз саломатликларини муҳофаза этишга яна бир қулайлик яратди. Аввалари қишлоқ аҳли оддий бир яра учун ўнлаб чақирим йўл босиб, хўжалик марказига боришарди. Барча оворагарчилик эндиликда барҳам топди.

Маҳалламиз аҳолиси бу янги кошонага 20 та гилам-поёндоз совға қилди. Келгусида ижтимоий турмушимизга хизмат қиладиган бошқа нуқталарда ҳам қурилишлар бўлаверишига ишонамиз.

Саломатлик кошонасини жуда қисқа муддат-3 ойда сифатли қуриб берган Ўсматдаги «Ниҳол» фирмаси жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

А.БОБОБЕКОВ, Бахмал туманидаги «Оққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«ҚОРАКЎЛТЕКС» ИСТИҚБОЛИ

Жорий йил Қоракўл туманидаги «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси учун самарали келмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3-3,5 марта ортиб, таннархи арзонлашди. Йигирилаётган ип-калава сифати жаҳон андозалари талабига тўла жавоб бермоқда. Ушбу маҳсулотлар кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинаётир. Ҳозир қоракўл маҳсулотларини Корея ҳамда Италияга жўнатиш борасида шартнома тузилмоқда.

- Турли трикотаж ва тўқув ипларининг сифати юқори экани мижозларимиз сонини кўпайтирмоқда,- дейди корхона бош иқтисодчиси Ислом Жўраев. - Ички бозорда ҳам харидорларимиз кўп. «Бухоротекс» акциядорлик жамияти, Яккабоғ тўқув фабрикаси, Шаҳрисабздаги «Садо» ҳиссадорлик жамияти, Самарқанддаги «Бофанда» корхонаси асосий харидорларимиз ҳисобланади. Буларнинг барчаси эса қўшма корхона бунёд этиш учун республика «Асакабанк»и орқали Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган 4 миллион 972 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредитни вақтида қайтариш имконини бермоқда.

Жаҳон андозалари даражасидаги технологияни пухта ўзлаштириб бораётган қоракўллик енгил саноатчилар иш унумини оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу ерда йил бошидан бери 1 минг 457 тонна ип-калава тайёрланди. Меҳнатга яраша моддий манфаатдорлик ҳам ўсиб бораётир. Корхона ишчи-ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш кучайтирилмоқда.

Айни пайтда америкалик ҳамкорлар билан корхонанинг иккинчи навбатини ҳам бунёд этиш режалаштирилмоқда. У ишга тушгач, йигирилаётган ип-калаванинг бир ярим минг тоннаси шу ернинг ўзида тўқилиб, оҳорлаш ва бўяш мумкин бўлади.

БУНЁДКОРЛАР ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

Навоий вилоят қурувчилари касб байрамларини ёруғ юз билан кутиб олишмоқда. Бу ерда, айниқса, кейинги йилларда катта ҳажмда қурилиш-ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган ўн бир йилда 6350 ўқувчига мўлжалланган 11 та касб-ҳунар коллежи, 1050 ўринли 2 та академик лицей, 77 та қишлоқ-врачлик пункти ишга туширилди. Қурувчиларнинг саъй-ҳаракати боис Нурота шаҳрида туғруқхона қайта таъмирланиб, Финландиянинг «Медико-медикал» фирмаси томонидан замонавий тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди.

Ўтган йили «Қизилқум-фосфорит комбинати»нинг 1-навбати, «Учқудуқ-Мискен» темир йўли, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода корхонаси, Навоий номидаги истироҳат боғи бунёд этилди. Бундан ташқари Қосим Шайх Азизон, Работи Малик, Сардоба каби тарихий обидалар қайта таъмирланиб, халқимизнинг зиёратгоҳ жойларига айлантирилди.

Жорий йилда вилоятда 7 та касб-ҳунар коллежи, 12 та қишлоқ-врачлик пункти қуриш, табиий газ ва тоза ичимлик сув қувурлари ётқизиш режалаштирилган. Жумладан, Хатирчи туманидаги «Мирдош» қишлоғида 50 ўринли шифохона фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида қурилиш майдонларида бунёдкорлик ишлари тобора жадаллашмоқда. Нурота, Навбаҳор, Хатирчи, Конимех, Қизилтепа, Навоий туманларидаги коллеж ва шифохоналарда, барча қурилиш иншоотларида ишлар жадал олиб борилаяпти. Қурувчилар байрам кунигача 4 та коллеж, 3 та қишлоқ-врачлик пунктини фойдаланишга топширади.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Қарши туманидаги Собир Раҳимов номидаги хўжаликнинг Лаганди қишлоғида янги қишлоқ-врачлик пункти ишга тушди.

Хўжалик маблағига қурилган мазкур шифо масканида физиотерапия, ташхис, гинекология бўлимлари мавжуд бўлиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

ФАОЛИЯТГА НОҚОНУНИЙ АРАЛАШИШ

Самарқанд вилоятида сўнгги олти ойда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўп ишлар амалга оширилди.

Уларнинг сони ўтган йилнинг

Хабарлар оқимидан

шу даврига нисбатан 1,5 бараварга ортди. Мулкчиликнинг нодавлат секторини маблағ билан таъминлаш икки бараварга кўпайди.

Шунга қарамай хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ишлар доимо ҳам кўнгилдагидек кетмаяпти. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олишда қонун бузилишларга йўл қўйилмоқда. Хусусан ўтган ярим йилда 600 марта мана шундай ҳолатга дуч келинганлиги аниқланди. Беш мингдан ошиқ ҳолатда бундай корхоналар томонидан ишлаб топилган маблағдан мақсадсиз фойдаланиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳоллари рўй берган.

ЎзА, «Туркистон-пресс» ва «Ишонч» мухбирлари.

TV дастури

12-18 август

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 12 август куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 ТВ анонс.
15.50 «Тўртинчи ҳокимият».
16.10 «Ошин». Телесериал.
16.40 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Камалак». Кинодастур. 2. «Қўшиғим, жон- қўшиғим».
18.00 Янгиликлар
18.10 «Мулк».
18.30 «Олтин мерос».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 «Бугуннинг гапи».
21.50 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.10 «Спорт, спорт, спорт».
22.25 «Филипп Марлоу». Телесериал.
23.15 «Ахборот - дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.20 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.35 Саломатлик сирлари.
10.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.05 «Давр» ҳафта ичида.
11.40 Болалар экрани «Қувноқ сеҳргарлик».
12.45 «Давр»-news.
13.05 Бояуддин Боймирзаев «Дуоибад» спектакли. 1-қисм.
14.05 Автосалтанат.
14.20 «Дуоибад» спектакли. 2-қисм.
15.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Озод юрт фарзандлари».
16.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси.
17.15 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.30 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Хоразм телерадиокомпанияси тақдим этади: «Хива - шарқ гавҳари».
18.05 Ватан манзаралари.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Бир ўлкаки
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида- 23.50 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 52-қисм.
17.45, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 6-қисм.
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.25 «Авто-news».
19.45 «Камалак».
20.30 ТТВда сериал: «Изқувар Пуаро». «Родессия учбурчаги».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 8-қисм.
22.55 Кинонигоҳ. «Ҳаёт сурури».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Юзга бир». Шоу.
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.15 «Аралаш».
18.35 «Уйқудаги шер». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.40 «Немис тўлқини».
22.00 Кинематограф. «Марказий вокзал». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Фавворалар».
9.10 Халқ севган достонлар. «Гўрўғли ва Бозиргон». 1-қисм.
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25 «Дўст». Бадиий фильм.
11.55, 14.25 ТВ анонс.
12.05 «Париси бор уй».
12.25 «Спорт, спорт, спорт».
12.40 «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.
14.10 «Сиёсат оламида».
14.30 «Хазиналар ороли». Мультфильм премьераси.
15.50 «Мусиқа бекати».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Улғайиш поғоналари».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ёнғоқ новдаси» Мультфильм .
18.30 «Баркамол авлод орзуси».
18.50 «Инсон ва қонун».
19.10 «Озодлик оҳанглари». Мусиқий композиция.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тарих кўзгуси». 10-қисм.
22.45 «Олам футболи».
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.45 Бир ўлкаки
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Эъзоз.
11.10 Болалар экрани: «Бўрининг саргузаштлари». Мультфильм.
12.00 Жаҳон жуғрофияси.
12.50 Ёшлар овози.
13.10 Интерфутбол.
14.55 Жараён.
15.10 «Императорнинг сўнгги фармони». Бадиий фильм.
16.40 ТВ-анонс.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.40 Ўзбегим кураши.
18.00 Автопатрул.
18.20 Минг бир маслаҳат.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Марди майдон.
20.15 Дийдор.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида- 23.50 Давр.
00.20-00.25 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 53-қисм.
17.45, 19.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 7-қисм.
18.30, 20.00, 21.15, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.20 «Аёл-она, мураббий, раҳбар».
19.35 «ТВ плюс».
20.30 ТТВда сериал: «Изқувар Пуаро». «Клэкхемалик ошпазнинг саргузаштлари».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 9-қисм.
22.30 «Туризм ҳақида».
23.25 Кинонигоҳ. « Оқшом чоғи арши аълода».
00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Майамилик пакана». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.40 К. Орбакайте иштирокидаги концерт дастури.
23.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
23.20 Кинематограф. «Ишонч». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хонобод».
9.10 Халқ севган достонлар. «Гўрўғли ва Бозиргон». 2-қисм.
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
11.40 «Қалб гавҳари»
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.30 «Остонаси тиллодан».
12.50 Муайтай бўйича республика биринчилиги.
13.15, 16.00 ТВ клип.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 Дутор ва танбур тароналари.
14.30 «Найранг». Бадиий фильм.
16.10 «Ягона оилада».
16.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болалар ва катталар».
18.10 Таэквандо бўйича Осиё чемпионати.
18.35 «Аёл дунёни тебратар».
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма- юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.35 «Парламент вақти».
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.25 «Спорт, спорт, спорт».
22.40 «Мувозанат».
23.05 «Ахборот -дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 Болалар экрани «Бинафшаранг шар».
12.15 Ёшлар овози.
12.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
13.25 Хоразм телерадиокомпанияси тақдим этади: «Хива - шарқ гавҳари».
13.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.25 Ватан манзаралари.
14.45 Автопатруль.
15.05 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Ассалом, оромгоҳ!
17.00 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.15 Болажон.
17.35 Олов билан юзма-юз.
17.50 Чемпион сирлари.
18.10 Келинг, кулишайлик.
18.15 Ракурс.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм. 1-қисм.
20.00 Спортлото.
20.10 ТВ-анонс.
20.15 Очил дастурхон.
20.30 Севги тароналари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида- 23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 54-қисм.
17.45, 19.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 8-қисм.
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Аёл қалби».
19.55 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Изқувар Пуаро». «Мьюзедаги қотиллик».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 10-қисм.
22.55 Кинонигоҳ. «Махлуқ».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»


«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
16.45 «Болалар куйлаганда».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Одам-кадиллак». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.40 «Мусиқий серпантин».
22.25 «Теграмиздаги олам».
23.05 Кинематограф. «Хамтовоқлар». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болалар ва катталар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулк».
10.25 «Ўзлигини йўқотиш». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.35 «Рангин дунё».
11.55, 13.55, 16.35 ТВ анонс.
12.05 «Спорт, спорт, спорт».
12.20, 15.45 ТВ клип.
12.30 «Мувозанат».
12.55 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 Таэквандо бўйича Осиё чемпионати.
14.35 «Ўзлигини йўқотиш». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.55 «Аёл дунёни тебратар».
16.15 «Парламент вақти».
16.40 «Портретга чизгилар».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк...»
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Олтин бешик».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот: «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
21.40 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.05 «Саҳна ҳаёти».
22.30 «Йўл бошида».
22.50 «Филипп Марлоу». Телесериал.
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.



«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Ассалом, оромгоҳ!
9.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.45 Болажон.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Ракурс.
11.05 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм 1-қисм.
11.20 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.50 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.10 Болалар экрани «Алиса ғаройиботлар мамлакатида». Мультфильм.
13.25 Интерфутбол.
15.05 Ёшлар овози.
15.25 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.40 Олов билан юзма-юз.
16.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 Ўйна, болажон, ўйна.
17.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
18.15 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.00 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм. 2-қисм.
20.15 Бегойим.
20.35 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.35 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида-.
23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 55-қисм (якунловчи)
17.50, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.20, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.30 «Умр йўлдоши».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 11-қисм.
22.35 Кинонигоҳ. «Рицарь қиличи».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 CFI тақдим этади «Байрамлар юрти».
16.45 «Вақт хазинасидан».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Гранд-отель». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.40 «Ишбилармон кишилар».
22.00 «Авиация дунёси».
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Фаройиб тўти Поли». Бадиий фильм.
11.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
11.50 , 16.50 ТВ клип.
12.05 «Фанимиз истиқболлари».
12.25, 13.55, 16.00 ТВ анонс.
12.30 «Саҳна ҳаёти».
12.55 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
13.20 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Йўл бошида».
14.30 Кундузги сеанс: «Кузги марафон». Бадиий фильм.
16.05 Ўзбекистон бастакорлари.
16.30 «Ҳуқуқ сабоқлари».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Қирилликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Истиқлол нашидаси».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.20 «Спорт, спорт, спорт».
22.35 «Ахборот - дайжест».
22.55 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади (Ёзиб олинган)
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.45 Ўйна, болажон, ўйна.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм. 2-қисм.
11.15 Минг бир маслаҳат.
11.35 Болалар экрани «Сеҳрли чироқ». Мультфильм.
13.00 Ёшлар овози.
13.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.10 Бегойим.
14.30 Интерфутбол.
16.10 «Сирли шарча». Бадиий фильм.
17.15 Азизим.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
18.20 Ҳуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Ёшлар овози.
20.05 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм. 3-қисм.
20.20 «Давр»-репортаж.
20.30 Ёшлик қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 Давр.
00.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Сени излаб». Қисқа метражли бадиий фильм.
17.55, 19.20, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 9-қисм.
18.30, 20.00, 22.00, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Олтин нохун». Т. Алиматов. 1-кўрсатув.
19.35 «Эл хизматида».
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.20 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 12-қисм.
23.00 «Кинонигоҳ». «Майерлинг». 1-қисм.
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Мультсеанс».
17.00 «Евроньюс».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Инсон ва қонун».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Лев Лешченконинг юбилей концерти».
22.30 «Дурдаршан».
22.55 Кинонинг олтин асри: «Ниццалик ота». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Қироллikдаги саргузаштлар». Мультсериал.
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20, 12.50, 16.30 ТВ анонс.
10.25 «Спорт, спорт, спорт».
10.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
11.00 «Зарблар сеҳри».
11.25 «Дала ўртасидаги дарахт». Видеофильм.
12.30 «Хатларда ҳаёт».
12.55 «Ойдан тушган малика». Бадиий фильм.
14.45 «Маърифат». Телеальманах.
15.05, 17.25 ТВ клип.
Адабий жараён:
15.15 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».
16.00 «Ягона оилада».
16.35 «Аския».
17.00 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
17.35 «Рангин дунё».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
18.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
19.00 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 2002-йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Келин-куёв». Телешоу.
22.15 «Шанба оқшомида».
22.40 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.00 «Нақадар тотли сўз - Озодлик». «Ватанпарвар». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
9.20 «Мультомоша».
9.35 Табобат оламида.
9.55 «Давр»-репортаж.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурҳонов». Видеофильм. 3-қисм.
11.25 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.35 Ринг қироллари.
12.35 Кутилмаган меҳмон.
12.55 «Денгиз одамлари». Бадиий фильм.
14.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.05 Юлдузлар чеҳраси.
15.30 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.20 «Ота». Видеофильм.
16.40 «Рамаяна». Телесериал.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.40 Бола тилидан.
18.10 Футбол плюс.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Оҳанрабо.
20.15, 20.50, 22.35 Эълонлар
20.20 «Сардор». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
20.55 Ёшлик наволари.
21.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: «Қорақалпоғистон Республикаси». Видеофильм премьераси.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Хотира азоби». Бадиий фильм.
00.45-00.50 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 10-қисм.
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25, 19.45, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.40 «Мисли гавҳар».
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Ташриф».
20.00 «Спорт-клуб».
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 13-қисм.
22.15 «Ҳамшаҳарлар».
22.40 «Кинонигоҳ». «Майерлинг». 2-қисм.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
9.45 «Лаззат».
10.05 Машҳурлар. Регимонтис Адомайтис.
10.35 «CFI янгиликлари».
10.45 «Инглиз тили Сиз учун».
11.10 «Фан тайм».
11.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
11.50 Болалар соати: «Рок ку-ка-ре-ку». Мультфильм.
13.15-14.15 Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон умумий уйимиз», «Сахий хонандонда», «Бизнен мирас».
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Бинафша».
16.30 «Британия кундалиги».
16.50 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
17.15 Валерия иштирокидаги концерт дастури.
17.55 Е. Петросян таклиф этади.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.30 «Француз бўсаси». Кинокомедия.
22.35 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
22.45 Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...»
Дам олиш дастури.
22.50 «Тенгдошлар».
23.20 «Шлягер».
23.35 «Эслайсизми?»
23.45 «Вояж».
24.00 «Муз zone».
00.15 «Яшаш воситаси».
00.30 «Юлдуз билан кечки танновул».
00.45 «Бешинчи халқа».
1.00 «Телеанонс».
1.10 Киносеанс: «Канар маликаси». Бадиий фильм.
2.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Фаройибот».
9.20 «Чип ва Дэйл ёрдамга ошиқади». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 14.50, 17.55 ТВ анонс.
11.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.00, 16.45 ТВ клип.
12.10 «Қармоқ». Андижон вилояти драма театрининг спектакли.
13.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
14.25 «Кўҳна замин оҳанглари».
14.55 «Бургунд қасрининг сирлари». Бадиий фильм.
16.25 «Қалб гавҳари».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 «Талабалик йилларим».
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 «Бир жуфт қўшиқ».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.40 «Истиқлол умидлари». Спорт дастури.
«Якшанба кинозали:
23.00 «Кино оламида».
23.20 «Нақадар тотли сўз - Озодлик». «Ватанпарвар». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
9.25 Футбол плюс.
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 Заковат.
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним»

Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари

ВАТАН ИШҚИ

Оилавий муҳит инсоннинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлишида, кўп ҳолларда эса қандай касбнинг бошини тутишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳаммаджон Усмоновнинг санъат гулшанига ошно тутиниши бунга мисолдир.

— Раҳматли дадам, хушовоз қўшиқчи Исроилжон Усмонов менинг мурғак қалбимда қўшиқчиликка, умуман санъат дунёсига қизиқиш уйғотганлар, -дейди ёш хонанда. -Эсимни танибманки, ижодкорлар орасидаман. Дадам ўзбек филармониясининг Фарғона вилоят бўлими раҳбари бўлганлиги учун уйимиз доимо таниқли қўшиқчилар, шоирлар билан гавжум бўларди. Уларнинг баҳс-мунозаралари, мулоҳазаларидан баҳра олиб улғайганман. 3-синфда ўқиётганимда қизиқ воқеа рўй берган. Ҳар доимгидек яширинча машқ қилаётиб дадамнинг торини қўлдан тушириб юбордим. Сознинг синганидан қаттиқ ранжиган дадам менга жиддий оҳангда: «Энди қадрига етмагунингча қўлингга соз ушламайсан», деб танбеҳ бердилар. Жаҳл устида айтдилар-да деб эътибор бермадим. Лекин дадам ўз сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Ялиниб-ёлворишим ҳам инобатга олинмади. Ниҳоят, ушбу кўнгилсиз воқеадан сўнг уч йил ўтгач дадам менинг гуноҳимдан кечдилар.

Туғилган кунимга ўзим синдирган торни яхшилаб тузатириб совға қилишди. Энди ўйлаб кўрсам, дадам «жазолаш» йўли билан менда санъатга ҳурмат туйғуларини шакллантирган экан...

Раҳматли Исроилжон ака ўғлининг қўшиқчиликка бўлган қизиқишини, қобилиятини сезган бўлса-да унга аввалдан микрофон бериб талтайтириб юбормади. Аввал мусиқа илмини пухта эгаллаб, кейин саҳнага чиқасан, -дерди у ўғлига. Маҳаммаджон отасининг айтганини қилиб кам бўлмади. Мактабни битиргунича саҳнага чиқиб қўшиқ айтмаса-да дутор, тор, гитара ва бошқа бир қанча мусиқа асбобларида ишлашни ўзлаштириб олди.

Ниҳоят Маҳаммаджон кутган онлар ҳам етиб келди. Мактабни битираётганда дадаси унга қўшиқ айтишга рухсат берди. Лекин шу билан бирга, қўшиқчиликка бутунлай шўнғиб кетмасдан бирорта бошқа касбни эгаллашини уқтирди. Шу боис, ширали овози билан етук санъаткор бўлиши деярли аниқ бўлган Муҳаммаджон Фарғона политехника олийгоҳининг қурилиш муҳандислиги факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳда аъло ўқиш билан бирга қўшиқчилик маҳоратини ҳам тобора сайқаллаб борди. 1989 йил қўшиқчиликдаги биринчи ютуғини қўлга киритди.

У талабалар ўртасида ўтказилган «Ҳаваскор-89» кўрик-танловида ғолиб бўлди. Қўлига қурилиш муҳандислиги дипломини олган Муҳаммаджон иш фаолиятини 257-қурилиш ташкилотида бошлади. Бу ерда у монтажчи, прораб, уста вазифаларида ишлади. Шу билан бирга турли тадбирларда ўзининг қўшиқлари билан иштирок этди. 1999 йили уни Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасига муҳандис вазифасига ишга таклиф қилишди.

— Фарғонанинг иқтисодий жиҳатдан энг барқарор корхонасига ишга ўтганимдан кейин қўшиқчилик фаолиятини такомиллаштириш имконияти туғилди, -дейди у. - Бу ерда замонавий Маданият уйи мавжуд бўлиб, санъат билан шуғулланиш учун барча шароитлар бор эди. Корхонанинг қошида «Осиё» гуруҳини тузиб, лаёқатли ишчиларни таклиф қилдик. Гуруҳимизнинг тез орада оёққа туриб олишида корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ёрдами салмоқли бўлди.

Излаган имкон топади. Ёш муҳандис ўз ишини пухта бажариш билан бирга устозлари Абдусалом Солиев ва Каримжон Ҳикматовлар ёрдамида отасидан олган сабоқларини янада мукаммаллаштириб борди. Таниқли шоирлар Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимовлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Касаба уюшмалари тизимида ўтказилган «Ўзбекистон-Ватаним маним» танловининг вилоят, ҳудудий баҳсларида ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди.

Тошкентда бўлиб ўтган республика танловида қўшиқчи шоир Нигоҳийнинг «Гўзал юртим» шеърини қўшиқ қилиб касаба уюшмалари мукофотига сазовор бўлди.

— Замонавий ўзбек эстрадасининг ёрқин намоёндалари Шуҳрат Қаюмов, Умида Мирҳамидова, «Аббос гуруҳи», Феруза Солиҳовалар иштирок этган бу концерт дастури ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, -дейди қўшиқчи. -Биз каби ишчи-санъаткорларга шундай имконият яратиб беришгани учун кўрик-танлов ташкилотчиларидан миннатдормиз.

Истеъдодли қўшиқчи айни кунларда бастакор Равил Камишев билан ҳамкорликда мустақиллик байрамига туҳфа сифатида шоира Энахон Сиддиқованинг «Ўзбекистоним» шеърини қўшиқ қиляпти. Дадасининг хотирасига бағишлаб «Қўшиқ кечаси» тадбирини ўтказмоқчи. «Айбдор ўзим» деб номланган қўшиқлар альбомини ёзмоқчи.

Муборак ҳадисларнинг бирида: «Ватанни севмоқ иймондандур» дейилган. Қалбида юрт ишқи, она-Ватанга садоқат туйғулари жўш ураётган ширали овоз соҳиби кўйлаётган қўшиққа жўр бўлгимиз келди:

Эрк туғи балқиган манглайинг ўпай,
Оқар дарё бўлгил, ўзингдан кўпай,
Жаннат рухсорингдан олган кўркчирой,
Мустақил диёрим - Ўзбекистоним.

И.МЎЙДИНОВ



Қадрдонлар...

М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

ҚИШЛОҚДА ЮРТ ТАРИХИ

Асака туманидаги "Навбаҳор" ширкат хўжалигининг 73 йиллик тарихи тўғрисидаги экспонатлар янги очилган музейдан ўрин олди.

- Музейни ташкил этиш ғояси қарияларимиздан чиқди, - деди хўжалик раҳбари Содиқжон Йўлдошев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Хўжалигимиз 1929 йили ташкил этилган эди. Кейинчалик яна ўн олтита хўжалик унинг таркибига қўшиб олинди.

Музейни ташкил этишда хўжаликнинг ривожланиши, айниқса, кейинги 11 йил давомида эришилган ютуқларга кенг ўрин берилди. Шунингдек, қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқувчилар ва айниқса, тарих ўқитувчилари музейнинг ташкил этилишидан жуда ҳам хурсанд бўлишди. Чунки эндиликда улар жонажон ўлка тўғрисидаги дарсларни музей залларида тарихий ҳужжатлар асосида ўтиш имконига эга бўлишди.

Ибрат

Шаҳарга кўрк бағишлаб турган бу кошона ҳамиша ёшлар билан гавжум. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати тасарруфидаги маданият саройида бугунги кунда 22 та ҳаваскорлик жамоасига бўлинган мингга яқин киши санъат сирларидан воқиф бўлмоқда. Уларнинг энг кичиги тўрт ёшда бўлса, энг каттаси 80 ёшли нуронийдир. Тўгаракларда тажрибали мутахассислар иш олиб боришмоқда. Мукаррам Абдураҳмонова бошчилигидаги 60 нафар ҳаваскорни ўз сафига бирлаштирган «Сетора» миллий рақс тўгараги қатнашчиларини вилоятда яхши билишади.

МЕТАЛЛУРГЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

Екатерина Шимко мактабда ўқиб юрган кезларида бўш вақтини ушбу маданият саройида эстрада рақс сирларини ўрганиш билан ўтказар эди. Мактабни тугатиб, Тошкентга йўл олди. Орадан бир неча йил ўтиб, қадрдон маданият саройига тўгарак раҳбари сифатида қайтиб келди. Айни пайтда «Ритм» эстрада рақс ансамблининг ҳисобот концертларида зал одамларга тўлиб кетади.

Драма тўгараги аъзолари ҳам кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 2000 йилда «Али бобо ва 40 қароқчи», 2001 йилда «Туғилган кунинг билан, малика» каби спектаклларни муваффақият билан намойиш этдилар.

— Эришган муваффақиятларимиз қай даражада эканлигини тингловчиларнинг муносабатлари белгилайди, - дейди маданият саройи директори, хизмат кўрсатган маданият ходими Вера Наймушина. — . Жамоаларимиз ҳар доим қайси тадбирда иштирок этишмасин, томошабинларнинг гулдирос қарсакларидан, олқишларидан руҳланиб қайтадилар. Бундай кайфият уларни изланишга, репертуарларини бойитишга ундайди.

Байрам кунларида Олмалиқ шаҳрининг барча масканларида — корхона, мактаблар, олий ўқув юртларида, касалхоналарда, маҳаллаларда маданият саройининг ҳаваскор санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, байрам қувончига қувонч қўшадилар.

Директорнинг таъкидлашича, маданият саройида маблағ борасида сира муаммо туғилмаган. Тўгараклар учун сарфланадиган маблағлар тоғ-металлургия комбинати томонидан ажратилаётган бўлса, ходимлар, тўгарак раҳбарларининг ойлик маошлари комбинат касаба уюшма қўмитаси томонидан ўз вақтида тўлаб борилмоқда.

Маълумки, ҳар бир рақс, қўшиқ руҳига мос танланган либос муваффақиятга эл-тувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Масаланинг ана шу томонини ҳисобга олиб маданият саройида тикувчи-модельер иш ўрни очилди. Светлана Молостова гуруҳлар раҳбарлари билан бамаслаҳат иш юритиб, ажойиб либосларни тез ва соз қилиб тайёрламоқда. Комбинат маъмурияти турли хил матоларни харид қилишда маблағ томонидан ёрдамини аямаяпти.

Ҳа, истаган имкон топади, деганларидек, ташаббускор, талабчан ва тадбиркор, фидойи кишилар меҳнат қилаётган бу санъат кошонасида ҳамиша ижодий ҳаёт қайнайди.

Т. ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Янгилик

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти лаборатория ва тажриба-намуна бўлимларида қатор янги дори-дармонлар яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. «Кардиотроп» дори препаратини яратиш», «Қон тўхта-

ҚОН ТЎХТАТУВЧИ ПРЕПАРАТ

тувчи препарат олишнинг технологиясини яратиш», «Ипакчилик саноатининг иккиламчи маҳсулотидан олинган хомашё негизида ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» каби йўналишларда амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳам ижобий натижасини бермоқда.

Қон ивишига қарши ишлатиладиган сафинол моддасини ҳосил қилишга ҳам эришилди. Айни вақтда «Сафинол» дорисининг клиник синов учун йўриқномаси тайёрланди. Клиник тажриба жараёни ҳам янги дорининг истиқболи эканлигини кўрсатмоқда.

«Таблеткали доривор моддаларни олишда ишлатиладиган модификацияланган целлюлоза» бўйича изланиш ҳам ниҳоясига етди. Бу хил целлюлозани иккиламчи восита сифатида доривор моддаларни таблеткалаш учун ишлатиш тадбирлари кўрилди.

Ушбу янги усул тажриба ишлаб чиқариш шароитида синовдан яхши ўтди. Улар техник шароитлар талабига тўғри келади.

А.АЛИЕВ.

МУЗЕЙГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Бадиий Академиянинг Тошкентдаги Марказий Кўргазмалар залида Камолиддин Беҳзоднинг чет эллардан олиб келинган миниатюра асарлари слайдлари, факсимил репродукцияларининг тақдимоти ўтказилди.

Маълумки, Камолиддин Беҳзод мамлакатимизда миниатюра санъатининг асосчиси сифатида тан олинган. Унинг номи Шарқ уйғониш даврининг беқиёс тимсоли сифатида тарихда қолган. Мустақиллик шарофати билан юртимизда буюк аждодимизга эҳтиром кўрсатилмоқда. Унинг таваллудига 545 йил тўлиши муносабати билан пойтахтда Камолиддин Беҳзод мемориал боғи ҳамда музейи барпо этиляпти. Шу муносабат билан Республика Олий Мажлиси қошида ташкил этилган махсус комиссия аъзолари унинг чет эллардаги кутубхона ҳамда музейларда сақланиб қолган асарларини ўрганиб чиқди. Бевосита Камолиддин Беҳзод қаламига мансуб 120 дан ортиқ миниатюра асарлари борлиги аниқланди.

- Чет элларга қилган сафарларимиз давомида фақат Камолиддин Беҳзод ижодига доир сақланиб қолган асарларни аниқлаш билангина чегараланмадик, - деди тадбирда сўзга чиққан комиссия раиси Неъмат Иброҳимов. – "Бодлен" оммавий кутубхонаси, Британия музейи, Виктория ва Альберт музейларида сақланаётган Камолиддин Беҳзод ҳамда унинг шогирдлари ижодига оид 42 та миниатюра асарларининг слайдлари олиб келинди. Миср Араб Республикасидан эса юзга яқин слайдлар олиб келишга муваффақ бўлдик. Келажакда улардан факсимил репродукциялар тайёрлаш учун компакт дисклар тайёрлаб қўйилди.

Тадбирда сўзга чиққан Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Гамил Файид Камолиддин Беҳзоднинг Шарқ миниатюра санъати ривожидаги ўрни хусусида гапирди. Унинг қайд этишича, Мисрда Камолиддин Беҳзод Ислом дунёсида миниатюра санъати мактабини яратган биринчи шахс сифатида тан олинган. Мазкур мамлакатда унинг асарлари таъсирида яратилган ўнлаб миниатюралар юзага келган. Рассом ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам керамик ва ёғоч буюмларга унинг асарларидан нусхалар кўчирилган. У ҳақда китоблар ёзилган. Кейинчалик миниатюра санъатининг ривожи шу даражага етганки, у фан сифатида тарғиб этила бошланган.

Тадбирда жаноб Гамил Файид Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси университетлариаро алоқалар ўрнатиш, шунингдек Бадиий академия билан ҳамкорликда Беҳзод ижодини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришни таклиф этди.

Тадбир сўнгида Камолиддин Беҳзод асарларининг Буюк Британия ҳамда Миср Араб Республикасидан олиб келинган слайдлари, компакт диск ҳамда факсимил репродукциялари Беҳзод музейига тақдим этилди. Тақдимот маросимида замонамиз миниатюрачи рассомларининг қирққа яқин асарлари намойиш этилди.

«Туркистон-пресс».

Ёзги соғломлаштириш

Етти ярим гектарлик ҳудудни эгаллаган, ямяшил дарахтларга ўралган мевазор боғ яшнаб турибди. Шундоққина ёнидан Жуйизор анҳори тўлқинланиб оқади. Шаффоф сув салқини танга ором бағишлайди.

ЖУЙИЗАР СОҲИЛИДАГИ ОРОМГОҲ

Шўх-шодон болакайларнинг қийқириқлари фавворалар шовуллашига қўшилиб кетади. Биз «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Ибодулло Каримов ҳамроҳлигида «Ёш тўқимачи» оромгоҳида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

— Ёшлар масканида тўқимачиларнинг 670 нафар ўғил-қизлари дам олади, — дейди оромгоҳ бошлиғи Акром Муҳаммедов. — Ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Йўлланмаларнинг 50 фоизга арзон тарқатилганлиги, айниқса, ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

Оромгоҳни таъмирлаш учун 8 миллион 600 минг, йўлланмалар ва озиқ-овқат учун 19 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Дам олувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга катта эътибор берилаяпти. Тиббий хизмат мажмуаси ишлаб турибди. Унда физиотерапия, муолажа, ўсмирлар ва қизлар гигиена хоналари ташкил этилган. Олий тоифали болалар врачи Моҳира Қозоқова, ҳамшира Гулноз Ботирова ўғил-қизлар соғлиғи учун жон куйдиришаяпти.


Ўтган йилги мавсумнинг якуни бўйича «Ёш тўқимачи» республикадаги энг яхши оромгоҳ деб топилиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган эди. Бу йил ҳам ўша нуфузни сақлаб қолишга ва бойитишга ҳаракат қилинмоқда.

Оромгоҳда «Маънавият ва маърифат» хонаси мавжуд бўлиб, ҳар хил оммавий-маданий тадбирлар уюштириш одатий ҳолатга айланган. Тиниб-тинчимас етакчилар Дилноза Муҳидова, Ҳайит Зиёвуддинов, Нилуфар Файзиева ёшлар тарбияси учун зиммаларидаги масъулиятни қалбдан ҳис этган ҳолда иш тутишмоқда.

Яқинда тўқимачилик корхонаси фахрийлари билан учрашув ўтказилди. Кекса авлод вакиллари ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари, мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Оромгоҳда вилоят театри санъаткорлари иштирокида концертлар, янги кинофилмлар намойиш этилаяпти.

ЁЛҚИН.



«Олой Универсал Бозори» ОАЖ акциядорлари диққатига!

Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендлар 2002 йил 10 сентябрдан бошлаб берилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 40 уй «Олой Универсал Бозори» маъмуриятида «Олой Универсал Бозори» ОАЖ бошқаруви

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бош мутахассиси Рауф Сангиловга волидаи муҳтарамаси

РОБИЯ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 719. 1 2 3 4 5 6